

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

RB6708624802

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Loyiha ishlari pudrat shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: URGANCH SHAXAR OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 26.10.2022 yilda kiritilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi 29.08.1998-yildagi 670-I-son “Xo‘jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonun va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar asosida huquqiy ekspertiza qilindi

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Urganch shahar  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**Q.X.RAJAPOV**

27.10.2022

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ҚИЙМАТИНИ АНИКЛАШ

Урганч шаҳри

2022 йил «27» октябр

### “Хоразм вилояти Урганч шаҳар А.Навоний кўчасини жорий таъмирлаш” Смета хужжатларини ишлаб чиқариш қийматини аниқлаш ҳисоб китоби

Объектнинг ҚМИ баҳоси ҚҚС билан – 788 665,015 минг.сўм;

Лойиха-қидирув ишлари қийматини аниқлаш тўғрисидаги Низомнинг 4-иловаси

5-устунига асосан ишчи лойихани ишлаб чиқиш қиймати даражаси – 4,5%;

камайтириш қиймати (келишилган) – 0,6;

низомни 2-чи иловаси 4-чи каторига асосан қиймати (купайтириш) – 1,0;

Хисобланган қиймат =  $788\,665,015 \times 4,5\% \times 0,6 \times 1,0 = 21\,310,0$  минг.сўм;

Экспертиза харажатлари билан  $23\,310,0 + 690,0 = 22\,000,0$

**Келишилган қиймат барча солиқлар билан – 22 000 000 сўм.**

Лойихачи.

М.Ў.



# ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ

27«10»2022 yil.

239-12-180-OB/2022-son

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи “Урганч шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор А.Эрниязов бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи “XORAZM YOL KOPRIK QURILISH” МЧЖ номидан иш юритувчи раҳбар Н.Саидов иккинчи томондан, “Хоразм вилояти Урганч шаҳар А.Навий кўчасини жорий таъмирлаш” объектига смета ҳужжатларини ишлаб чиқаришни шартномасни туздилар.

## 1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНҚ коида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

## 2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 5 кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топширик, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛСХ ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қондалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 3. Шартнома баҳоси.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (*20.10.2022 йил Лот № 49858*) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ККС билан жорий нархларда **22 000 000 (Йигирма икки миллион )** сўми ташкил этади.

## 4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг **30** фоизини ташкил қилади ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф қилиниб ижобий хулосалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни ҳисобга олган ҳолда яқуний тўловни амалга оширади.

## 5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

### Лойихачининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объекти ЛСХ ҳужжатлари ва нуксонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, муҳандислик кидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича яқунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ ҳужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛСХ ҳужжатларини бир-бирига муаносиблиги (мос келиши) ва иш ҳажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

#### **Буюртмачининг мажбурияти:**

5.8. Лойихачидан олинган ЛСХ ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ ҳужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига ҳақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛСХ ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг ҳуқуқлари:

- ЛСХ ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга ҳақлидир.

#### **6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган ҳужжатлар руйхати техник топшириқда аниқланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргалиқда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада ҳужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни бегараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун ҳисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

#### **7. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

7.1. Лойихачи ЛСХ ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган

объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛСХ хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **8. Қоррупцияга қарши курашиш шартлари**

8.1. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тугрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкрий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик буйича чоралар қурилишига қафолат беради.

### **9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс – мажор).**

9.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

9.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **10. Қўшимча шартлар**

10.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

10.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

### **11. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари**

11.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

11.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

11.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

### **12. Бахсларни ҳал этиш тартиби**

12.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида келадиган бахслар ўзара муҳокама қилиниб

келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

### 13. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

13.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шарти билан йўл қўйилади.

13.3. Лойиҳачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошқ мuddатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

13.4. Лойиҳачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошқ мuddатга тўхтатилса, Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойиҳачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

13.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

### 14. Томонларнинг реқвизитлари:

#### Буюртмачи:

Урганч шаҳар Ободонлаштириш  
бошқармаси

Манзили: Урганч ш. Хонка кучаси 101-уй

Телефон: +99862 2253033

ш/хр 401722860334017065100110011

СТИР 206943296

Молия вазирлиги ғазначилиги

Ғазна х/в: 2340 2000 300 100 001 010

Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ

МФО 00014 СТИР 201 122 919



Раҳбар

А.Эрниязов

#### Лойиҳачи:

“XORAZM YOL KOPRIK QURILISH”  
МЧЖ

Манзили: Урганч шаҳар Партов кучаси 6-  
уй 2 пр

Телефон: 97-791-6525

Х/р -20208000204600825002

СТИР -300384037

ОКОНХ

БАНК; ТИФ Миллий банк Урганч филиали

МФО 00547



Директор

Н.Саидов

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR  
Code ni skanerlang.



|                    |                              |
|--------------------|------------------------------|
| Imzolovchi F.I.SH. | ATOBEK ERNIYAZOV RUSTAMOVICH |
| Imzolangan sana    | 27.10.2022 17:45             |
| Hujjat kodi        | XE5344214504                 |
| Hulosa kodi        | RB6708624802                 |